“Ўзагролизинг” АЖнинг 2023 йил
“15” декабрдаги 02-11-25/1245-сонли
хатига илова

**“Ўзагролизинг” АЖнинг 2023 йил учун Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги**
**ҲИСОБОТИ**

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Бажарилиши | Асос |
|---|---|---|---|
| **I. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги** | | | |
| 1. | Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти тартибини белгиловчи ички низом ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган. | “Ўзагролизинг” АЖ Бошқарув раисининг 19.04.2022 йилдаги 45и/ч-сонли буйруғининг 1-иловаси. |
| 2. | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган "йўл харитаси" ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги. | “Ўзагролизинг” АЖ ва тизим корхоналарида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. | “Ўзагролизинг” АЖ Бошқарув раисининг 19.04.2022 йилдаги 45и/ч-сонли буйруғининг 2-иловаси. |
| 3. | Рақобат чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилганлиги. | “Ўзагролизинг” АЖда рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган мурожаатларни қабул қилиш учун **Ишонч телефони** (71/207-30-55) йўлга қўйилган. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| 4. | Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот сифатли ва ўз вақтида тақдим этилганлиги ва расмий веб-сайтга жойлаштирилганлиги. | “Ўзагролизинг” АЖда монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот жорий йилнинг 25 декабрь кунидан кечиктирилмасдан Жамиятнинг раймий веб-сайтига жойлаштирилиши таъминланади. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| **II. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хатарларини аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилганлиги** | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5. | Фаолиятга тегишли материалларни ўрганиш натижасида (шу жумладан, рақобатни ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатлар хатловдан ўтказишда) аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси. | “Ўзагролизинг” АЖда лизинг фаолиятини тартибга солувчи ички низом ва йўриқномалар тўлиқ хатловдан ўтказилган. Хатлов якунларига кўра, рақобатни ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормалар аниқланмаган. | “Ўзагролизинг” АЖ Бошқарув раисининг 19.04.2022 йилдаги 45и/ч-сонли буйруғининг 2-иловаси. |
| 6. | Аниқланган қонунбузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик бўйича кўрилган чоралар. | Бугунги кунда, “Ўзагролизинг” АЖда рақобатни ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Жамиятда лизинг фаолиятини тартибга солувчи янги “Лизинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида”ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. | “Ўзагролизинг” АЖ Бошқарув раисининг 19.04.2022 йилдаги 45и/ч-сонли буйруғининг 2-иловаси. |
| 7. | Фаолият давомида олди олинган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси. | Битта ҳолат аниқланган. Унга кўра, реклама тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олди олинган. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| 8. | Ташкилот фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар аниқланганлиги ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги. | Жамият фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар аниқланмаган. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| 9. | Қабул қилинадиган ички ҳужжатларнинг лойиҳалари ўрганиляганлиги, бунда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, уни мазкур қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилганлиги. | Ҳисобот йилида Жамиятда ишлаб чиқилган идоравий ҳужжатлар лойиҳалари ўрганилганида, уларда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланмаган. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| 10. | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги. | “Ўзагролизинг” АЖда харидлар жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Тартиб асосида Жамият эҳтиёжи учун зарур товарлар ва хизматлар махсус ахборот порталлари орқали “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида сотиб олиниши йўлга қўйилган. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| 11. | Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар. | Жамият матбуот хизмати билан биргаликда Жамият Бошқарув раиси томонидан ОАВ иштирокида жорий йил якунига қадар ташкиллаштириладиган брифингда Жамиятда | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | йўлга қўйилган монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти тўғрисида маълумот берилиши режалаштирилмоқда. | |
| **III. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари** | | | |
| 12. | Ташкилотда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланганлиги, унинг зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги. | “Ўзагролизинг” АЖда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этилган ҳамда унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида бош юрисконсулт Хасанов Шоҳжахон Жамолбой ўғли ваколатли шахс этиб белгиланган. У монополияга қарши комплаенс тизимини самарали юритиши учун барча зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланган. | “Ўзагролизинг” АЖ Бошқарув раисининг 19.04.2022 йилдаги 45и/ч-сонли буйруғи |
| 13. | Ташкилот раҳбарлари томонидан ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш масаласи кўриб чиқилганлиги. | “Ўзагролизинг” АЖ Бошқарув раиси томонидан Жамият Бошқарувининг йиғилишларида ҳамда Жамият Акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил якунларига бағишланган мажлисида Жамиятда монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилганлиги тўғрисида ахборот берилган. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| **IV. Ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги** | | | |
| 14. | Ҳисобот йилида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмалари оширилганлиги. | Ҳисобот йилида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилиқ ҳужжатлари талаблари, коррупцияга қарши кураш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида Жамият марказий аппарати маъмурий биносида ходимлар учун етакчи ўқув муассасалари ўқитувчилари жалб этилган ҳолда 3 марта семинарлар ташкил этилди. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |
| 15. | Ташкилот ходимларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжудлиги. | Жамиятда фаолият юритувчи ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиши таъминлаш ҳамда уларнинг соҳага доир билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида китоблар ва қонунчилик ҳужжатлари тўпламлари харид қилинган. | “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятида монополияга қарши комплаенс тизими тўғрисида”ги Низом |